

**«O'ZBEKISTON - XITOY: TARIXIY-MADANIY,**

**ILMIY VA IQTISODIY ALOQALAR RIVOJI »**

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

materiallari

**16 noyabr 2024 yil, Toshkent**

“乌兹别克斯坦-中国：历史、文化、科学和经济关系发展”

国际学术研讨会

**2024年11月16日**

Материалы международной научно-практической конференции

**«УЗБЕКИСТАН-КИТАЙ: РАЗВИТИЕ ИСТОРИЧЕСКИХ,  
КУЛЬТУРНЫХ, НАУЧНЫХ И ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ»**

**Ташкент, 16 ноября 2024 г.**

Proceedings of the international scientific conference

**«UZBEKISTAN-CHINA: DEVELOPMENT OF HISTORICAL,  
CULTURAL, SCIENTIFIC AND ECONOMIC RELATIONS»**

**November 16, 2024. Tashkent.**

KBK

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024 yil 2 martdagি 78-F sonli Farmoyishi va O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining 2024 yil 10 martdagи 122-sonli buyrug‘iga binoan 2024 yil 16 noyabr kuni tashkil etilgan “**O‘zbekiston-Xitoy: tarixiy-madaniy, ilmiy va iqtisodiy aloqalar rivoji**” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – T.,: TDShU, 2024, 959 b.

Tuzuvchi va mas’ul muharrir: prof. A. Karimov

**Konferensiya tashkilotchilari:**

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti huzuridagi Konfutsiy nomidagi o‘zbek-xitoy instituti

**Tashkiliy qo‘mita:**

**prof. G.Rixsiyeva - rais**

prof. A.Karimov

prof. S.Nasirova

dots. F. Xasanova

To‘plam TDSPU Kengashi qarorirga ko‘ra tasdiqlangan.

2024 yil 26 dekabr, 5-sonli bayonnoma.

*Muallif fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.*

*To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas’uldirlar.*

**ISBN**

© Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti,

© TDShU huzuridagi Konfutsiy nomidagi o‘zbek-xitoy instituti

## ЎЗБЕК ВА ХИТОЙ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА НАВОЙНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

**Жасур Зиямұхамедов**

филология фанлари доктори, профессор,

Тошкент давлат шарқшунослық университеті

**Аннотация:** Мақолада ўзбек ва хитой адабий алоқаларининг ривожланишида ўзбек халқынинг буюк шоюри ва мутафаккири Алишер Навоийнинг тутган ўрни, ХХР да Навоий ижодининг ўрганишиши, шоуфр асарларининг хитой тилига таржима қилиниши, таржима жараёнидаги муаммоларнинг бартараф этишиши борасида таҳлилий фикрлар баён этилган.

**Калит сұзлар:** Навоий, адабий алоқалар, “Фарход ва Ширин”, мутафаккир, роман, таржима, маҳорат.

Янги Ўзбекистоннинг Хитой билан адабий алоқалари айни дамда ривожланишининг юқори босқичларига күтарилди десак, мутлак янглишмаган бўламиз. Хитой адабиётининг турли жанрларига хос бўлган асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ва аксинча ўзбек адабиётининг турфа жанрларида ёзилган асарларни хитой тилига таржима қилиш, ҳамда уларнинг бадииятини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш бугунги кунда ўзбек хитойшуносларимиз томонидан катта қизиқиш ва зўр гайрат билан амалга оширилмоқда. Ўзбек адабиётининг дурдона асарларини ҳам хитой тилига ўғириш масаласи борасидаги янги таҳлилларимизни бошқа илмий мақоламизда ёритамиз. Ҳозир эса биз буюк мутафаккиrimiz ва шеъриятимиз мулкининг сultonи Мир Алишер Навоий ижодининг Ўзбекистон ва Хитой адабий алоқаларининг ривожланишидаги алоҳида ўрни борасида фикр юритмоқчимиз. Барчамизга маълумки Алишер Навоийнинг дунёга машҳур “Хамса”си таркибиға кирувчи беш достондаги иккинчи достон “Фарход ва Ширин” деб аталиб, 1484 йилда ёзилган. Достоннинг асосий қисми ўн иккинчи бобдан бошланади. Вокеалар Чин хоқонининг фарзандсизлиги ва унинг изтироблари тасвири билан бошланади. Чин хоқонининг илтижолари қабул бўлиб, Тангри унга бир ўғил инъом этади. Навоий гўдакнинг туғилишидан тортиб улгайишигача бўлган ҳар бир жараённи, жумладан гўдакка қўйилган исмни ҳам алоҳида тасвирлайди.

Анга фарзона Фарҳод исм қўйди,

Хуруфи маъхазин беш қисм қўйди.

Фироку рашку ҳажру оҳ ила дард,

Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард. [Юсупова 2014: 5]